

Масъулият ҳисси



08:30 / 19.01.2019 3558

Муҳаммад ибн Сирийн айтади: «Абу Убайда ибн Абу Ҳузайфанинг чодирда эдик. Унинг олдидаги ўчоқда олов ёнар эди. Шу пайт унинг ҳузурига бир киши келиб, у билан битта кўрпачага ўтирди ва қулоғига нимадир деди. Биз унинг гапидан беҳабар эдик. Абу Убайда унга: «Мен учун бармоғингни мана бу оловга қўй», деди. «Субҳаналлоҳ! Сиз учун бармоғимни оловга қўяйми?» деди у. «Мен учун шу дунё оловига битта бармоғингни қўйишга қизғаняпсан-у, лекин бутун баданимни жаҳаннам оловига қўйишни сўраяпсан-да», деди Абу Убайда. Шунда биз ҳалиги одам унга қозиликни таклиф қилди, деб ўйладик».

«Солиҳлар гулшани» китобидан